

ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ ИҚТИСОДИЙ АҲАМИЯТИ

*Жўраев Рустам Термиз иқтисодиёт ва сервис
Университети 1- курс магистранти*

Аннотация: Хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда инновацион технологияларни жорий этиш ва соҳани рағбатлантириш механизмларини такомиллаштириш ҳозирги кундаги долзарб вазифалардан бири ҳисобланади. Шундай экан инновация асосида тадбиркорликни ташкил этиш табиий ресурслардан самарали фойдаланиш имконини беради.

Калит сўзлар: *Қишлоқ хўжалиги, фермер хўжалиги, ер фонди, инновация, интеграция, иқтисодий ўсиш, глобализация.*

Жаҳон иқтисодиётининг тобора глобаллашуви ҳамда глобал иқлим ўзгаришлари таъсирида дунё аҳолисини озиқ-овқатга бўлган эҳтиёжини қондириш масаласи муҳим аҳамият касб этмоқда. Мутахассисларнинг фикрича, «Жаҳон ер фонди 13,4 млрд.гектарни ташкил қилади, унинг атиги 1,5 млрд.гектари, яъни 11 фоиз қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши учун иқтисодий жиҳатдан қулай ҳисобланади»¹. Демак ҳеч бир давлат ўзининг барқарор тараққиёти, ижтимоий-иқтисодий ўсишини озиқ-овқат таъминотини яхшиламасдан туриб муваффақиятга эриша олмайди. Шу боис, қишлоқ хўжалигида юқори иқтисодий самарадорликка эришиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажмини тўхтовсиз ошириб боришда ресурслардан оқилона фойдаланиш, ишлаб чиқаришни тўғри ташкил этиш инновацион ёндашув, илм-фан ютуқларини кенг жорий этиш билан бевосита боғлиқдир.

Дунёда юз бераётган глобал иқлим ўзгариши озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаб берувчи қишлоқ хўжалиги соҳасига ҳам сезиларли даражада таъсир кўрсатмоқда. Бу эса, қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш самарадорлигига эришиш муаммосига комплекс тарзда ёндашиш, жумладан замонавий илғор технологиялар ва инновацион янгиликларни соҳага кенгроқ жорий этиш ҳамда уларни рағбатлантириш ҳисобига самарадорликка эришиш заруриятини келтириб чиқармоқда. Шу жиҳатдан, қишлоқ хўжалигига инновацион технологияларни жорий этишни рағбатлантириш механизмларини такомиллаштириш ва ушбу йўналишда илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш ҳозирги кундаги долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

¹Центр экономических исследований Узбекистана. www.cer.uz

Мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида инновацион технологияларни жорий этишни рағбатлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштириш бўйича кенг қамровли ислохотлар амалга ошириб келинмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг “Инновация – бу келажак дегани. Биз буюк келажакимизни барпо этишни бугундан бошлайдиган бўлсак, уни айнан инновацион ғоялар, инновацион ёндашув асосида бошлашимиз керак”² деган фикрлари инновацион муҳитни яратишга бўлган эътиборнинг юксак ифодасидир. Шу боис, фермер хўжаликларини инновацион технологияларни жорий этишни рағбатлантиришга қаратилган иқтисодий механизмларни амалиётга жорий қилиш, илм-фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясини йўлга қўйиш, инновацион технологиялар бўйича ахборотлар билан таъминлаш, консалтинг хизматлари ҳамда ўқитиш тизимини кенгроқ шакллантириш каби йўналишларда тадқиқотларни олиб бориш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Маълумки, бутун дунёда рақамли технологиялар ривожланиши натижасида республикаимиз қишлоқ хўжалик соҳасига ҳам унинг бир қатор элементлари кириб келмоқда. Айниқса, “ақлли қишлоқ хўжалиги”ни ҳар томонлама жорий қилишга алоҳида эътибор берилиши натижасида суғориш тизимида, иссиқхоналарда, ҳосил йиғиб олишда ва бошқа агротехник жараёнларни рақамли технологиялар ёрдамида бажарилишига ёрдам берувчи техника ва жиҳозларни жорий қилиш учун фермерларга давлат томонидан субсидиялар ажратилиши кенг йўлга қўйилган. Шуларни ҳисобга олган ҳолда, бизнинг фикримизча қишлоқ хўжалигида инновацияларни келиб чиқиш соҳасига кўра 5 та гуруҳга ажратиш мақсадга мувофиқдир, булар: селекцион-генетик, техник-технологик, ташкилий-бошқарув, ижтимоий-иқтисодий ва ИТ (Information Technology) технологияга асосланган инновацияларга ажратиш мақсадга мувофиқдир.

Қишлоқ хўжалигида инновацион технологияларни қўллаш натижасида, аввало, анъанавий технологияларга нисбатан қўшимча маҳсулот олиниши, меҳнат унумдорлиги ортиши ва соф даромадни кўпайиши асосий шартлардан бири бўлиши керак.

Кўпгина ривожланган мамлакатларда қишлоқ хўжалигини инновацион ривожлантириш бўйича мақсадли дастурлар ишлаб чиқилиши ва амалиётга жорий этилиши илмий-тадқиқот ишлари ва инновацион технологияларни жорий этишни рағбатлантиришда давлат ресурсларидан самарали фойдаланиш имкониятини беради.

² Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2017 йил 22 декабрдаги Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатаси аъзоларига Мурожаатномаси.

Қишлоқ хўжалигида ресурс тежамкор технологияларни жорий этишни рағбатлантириш оқибатида томчилатиб суғориш технологияси жорий этилган майдонлар ҳажми ва уни жами пахта майдонидаги улуши йилдан-йилга ортиб бормоқда. Жумладан, 2022 йилда томчилатиб суғориш технологияси жорий этилган майдон 52,9 минг гектарни ташкил этиб, жами пахта майдонидаги улуши 2018 йилга нисбатан 5,1%га ошган. Шундан кластерларга бириктирилган пахта майдонининг 3,5% томчилатиб суғориш технологияси жорий этилган.

Фермер хўжаликларида эса бу кўрсаткич кластерларга нисбатан бирмунча юқори бўлиб, 2019 йилда фермерлар ихтиёридаги 983 минг гектар пахта майдонининг 7 минг гектарида ёки 0,7% майдонида томчилатиб суғориш технологияси жорий этилган. 2022 йилга келиб эса, фермерларнинг 856,2 минг гектар пахта майдонидан 46,8 минг гектар ёки 5,5% майдонида томчилатиб суғориш технологияси жорий этилган.

Маълумки, сув ресурсларидан оқилона фойдаланишда лазер текислаш технологиясини жорий этиш муҳим аҳамият касб этади. Қишлоқ хўжалигида лазер текислаш технологиясини қўллаш кўламлари ҳам йиллар давомида кенгайиб бормоқда. Жумладан, 2018 йилда 12,1 минг гектар ёки 1,1% майдон лазер текисланган бўлса, 2022 йилга келиб 112,2 минг гектар ёки 10,9 майдонда лазер текислаш ишлари амалга оширилган.

Томчилатиб суғориш технологиясини жорий қилиш натижадорлигини баҳолаш³

Кўрсаткич номи	Ўлчов бирлиги	Қиймати
Анъанавий суғориш усулида 1 га ердан олинган маҳсулот	тонна	2,9
Томчилатиб суғориш усулида 1 га ердан олинган маҳсулот	тонна	4,5
Кўшимча маҳсулот олиш коэффициенти	-	1,6
Анъанавий суғориш усулида меҳнат унумдорлиги	тонна/киши соат	0,032
Томчилатиб суғориш усулида меҳнат унумдорлиги	тонна/киши соат	0,055
Меҳнат унумдорлиги коэффициенти	-	1,7
Анъанавий суғориш усулида 1 га ердан олинган	минг сўм	9425,0
Томчилатиб суғориш усулида 1 га ердан олинган	минг сўм	14625,0

³ Муаллиф тадқиқотлари асосида тузилган.

Иқтисодий самарадорлик коэффициенти	-	1,6
-------------------------------------	---	-----

Томчилатиб суғориш технологиясини жорий қилиш анаъанавий усулга нисбатан баҳолаш натижалари шуни кўрсатдики қўшимча маҳсулот олиш, меҳнат унумдорлиги ва иқтисодий самарадорлик коэффициентлари бирдан катта қийматга эга бўлди, демак бундан келиб чиқиб инновацион технологияни жорий этиш “мақсадга мувофиқ” деган хулосага келиш мумкин бўлади.

Фермер хўжаликлари ўзлари учун керакли инновацион технологияларни жорий қилишлари учун молиявий маблағи етишмаса, иккинчидан илмий муассасалардан ишловчи олимлар томонидан яратилган инновацион ишланмаларни амалиётга кенг жорий этиш ишлари алоҳида молиялаштирилмайди. Бунинг учун Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигига инновация мавзусини бериш, асослаш каби бир қатор мураккаб босқичлардан ўтиш лозим бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. *Мирзиёев Ш.М.* Ўзбекистон Республикасининг Президентининг 2017-2021йилларда “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг бешта устивор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси” [Http://StratEgy.Regulation.Gov.Uz/ Document/2](http://StratEgy.Regulation.Gov.Uz/Uz/Document/2)
2. *Мирзиёев Ш.М.* Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ислом Ҳамкорлик Ташкилотининг фан ва технологиялар бўйича биринчи саммитидаги нутқи.//”Халқ сўзи”, 2017 йил 11 Сентябрь.
3. О.Муртазаев, Ф.Б. Аҳроров “Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти” Тошкент “Илм Зиё”-2017.
4. *Хакимов З.И.* Аҳоли томорқаларини молиявий қўллаб-қувватлашнинг табиий ресурс тежамкорлиги асосида ташкил этиш имкониятлари // «Бизнес-эксперт» журнал, 2022, 11-12-сон. – Б. 109-113.

Internet ma'lumotlari

1. www.gov.uz - Ўзбекистан Республикаси ҳукумат портали.
2. www.lex.uz- Ўзбекистан Республикаси Конун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси.